# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 14 август, № 166 (7396) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ ИНФРАТУЗИЛМАВИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР БАНКИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 август куни Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь Лицюнь бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.**





Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва ОИИБ ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Банк мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ислоҳотларни фаол қўллаб-қувватламоқда. Бугунги кунда Бухоро вилоятида сув таъминоти ва сувоқова тизимларини ривожлантириш, автомобиль йўлларини реконструкция қилиш бўйича умумий қиймати 1,3 миллиард доллардан зиёд бўлган илк инвестиция лойиҳаларини тайёрлаш ишлари якунига етмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа ҳудудларда ижтимоий, коммунал ва транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, саноат корхоналари ва кичик инфратузилма лойиҳаларини молиялаштириш, шунингдек, минтақавий савдони ривожлантириш бўйича умумий қиймати 1,6 миллиард доллардан ортиқ истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Амалий ҳамкорликни кенгайтириш ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкининг молиявий ресурсларини жалб қилган ҳолда янги дастурларни илгари суриш масалаларига бағишланган бугунги давра суҳбати муваффақиятли бўлгани алоҳида қайд этилди.

Самарали ҳамкорлик бўйича ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, шериклик салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган икки томонлама тадбирлар ўтказиш тўғрисида келишувга эришилди.

ОИИБ президенти давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда мамлакатимизда устувор лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш йўлида аниқ чоралар кўриш таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлади.

Цзинь Лицюнь мамлакатимиз ва бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор тараққиётини таъминлаш мақсадида банкнинг Ўзбекистон билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

**ЎзА.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.**

## Цзинь Лицюнь:

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ ШЕРИКЛИК УЛКАН САМАРАЛАР БЕРИШИГА ИШОНАМАН?

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 август куни Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки президенти Цзинь Лицюнь бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.*

Меҳмон учрашувдан кейин ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Ўзбекистонга икки йил олдин ҳам келгандим. Ўтган вақт мобайнида ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш йўлида қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширдик ва бу ўзининг илк самараларини бермоқда.

Мамлакатингизда жадаллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни кузатиб боряпман. Янгиланиш ва ўзгаришларнинг юқори суръати мени қувонтиради. Бу натижаларга меҳнаткаш халқингиз ва давлатингиз раҳбари шижоати эвазига эришилмоқда.

Бу галги ташрифимиз доирасида Бухорода сув таъминоти ва коммуникациялар соҳаси бўйича амалга оширилаётган лойиҳа билан танишдик. Ушбу лойиҳа натижасида Бухоро вилояти аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш янада яхшиланади, оқова тизими янгиланади.

Президент Шавкат Мирзиёев узоқни кўзлаб юритаётган сиёсат ва саъй-ҳаракатлар таҳсинга сазовор. Айниқса, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш, эҳтиёжини тўлақонли таъминлашга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон раҳбари билан учрашувда мамлакатингиз ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштириш борасидаги қатор масалаларни муҳокама қилдик.

Хусусан, сув, электр энергияси таъминоти, санитария, йўл ва уйлар қурилишига оид қатор ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ниятидамиз.

Кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш ва барқарор тараққиётни таъминлаш йўлида Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли шериклик ўзининг улкан самараларини беришига ишонаман.

**ЎзА мухбири**
**З. ЖОНИБЕКОВ**
**ёзиб олди.**

**Эътибор**

# Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси фуқароларимизни қай даражада ҳимоя қилмоқда?

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик янги даражага кўтарилди, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий муносабатлар фаоллашди. Қўшма корхоналар қурилаётир, минглаб ўзбекистонликлар Россияда ўқимоқда ва ишлаяпти, ушбу мамлакатга турист ҳамда меҳмон сифатида ташриф буюришмоқда.*

Бу, ўз навбатида, Россия Федерацияси ҳудудида Ўзбекистон юридик ва жисмоний шахслари қонуний ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кучайтирилган ишларни амалга оширишни тақозо этади. Ушбу вазифа мамлакатимиз элчихонаси, Марказий федераль округни назорат қилувчи Консуллик бўлими зиммасига юклатилган. Консуллик бўлими Москва шаҳри, Белгород, Брянск, Владимир, Воронеж, Иваново, Калуга, Кострома, Курск, Липецк, Москва, Орлов, Рязань, Смоленск, Тамбов, Тверь, Тульск ва Ярославль областларидан иборат 18 та ҳудудни қамраб олган.

Элчихона ҳамюртларимиз қандайдир муаммолар ёки фавқулодда вазиятлар пайдо бўлганда мурожаат этадиган асосий инстанциядир. Айни чоғда дипмиссия ҳам ватандошларимизга ёрдам бериш, Россия ҳудудида уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур кўмак кўрсатишга доим тайёр.

Дипломатлар томонидан мазкур йўналишда қандай ишлар бажарилаётганини қуйидаги рақамлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, жорий йилнинг биринчи ярмида дипмиссия томонидан мамлакатимизнинг 27 мингдан зиёд фуқаролари қабул қилинди. Фуқаролик масалалари юзасидан 1 минг 323 та ариза рўйхатга олинди, Россия ва Арманистон ҳудудида бўлган ўзбекистонликларга 463 та паспорт берилди. Ватандошларимизга йўқолган, муддати ўтган ёки шикаст етган паспортлар ўрнига янгисини бериш тўғрисида 7 минг 303 та сертификат расмийлаштирилди. Қарийб 800 нафар фуқаролар вақтинчалик ёки доимий консуллик ҳисобига қўйилди.

Ҳозирги кунда Консуллик бўлими ҳар куни 300 нафаргача ташриф буюрувчиларни қабул қилаётир. Объектив сабабларга кўра, фуқароларга хизмат кўрсатишда муайян қийинчиликлар ҳам пайдо бўляпти. Хусусан, аризачилар оқимининг ўсиши ва консулларда айрим ҳолларда иш юкламасининг кўпайиб кетиши дипломатик миссия яқинида навбатлар ҳосил бўлишига олиб келмоқда. Бинобарин, қабул қилинган аризачилар ҳам кутиш ва хизмат кўрсатиш майдонларини кенгайтириш, бинонинг ташқи кўринишини яхшилаш кераклиги ҳақида куюниб гапиришди.

Дипмиссия мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чора-тадбирларни бажармоқда. Жумладан, қабул учун электрон қайд қилиш тизими жорий этилди. Бу консулнинг олдига кириш рухсатномасини олиш учун навбатлар узайишининг олдини оляпти. Бинода хизматларга тўлов қилиш учун терминал постлари ўрнатилган.

→ 3

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАШҚИ БОЗОРДАГИ ЎРНИ




## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР, ШУНИНГДЕК, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида бизнес юритиш тартиб-таомилларини сезиларли даражада соддалаштириш, инфратузилмани яхшилаш ва молиявий манбаларни кенгайтириш орқали тадбиркорликнинг изчил ўсиши таъминланмоқда.

Аҳолининг турли қатламларини, шу жумладан, ёшлар, кам таъминланган ва ҳимояга муҳтож фуқаролар ҳамда кичик корхоналарнинг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Биргина “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш учун 7,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Шу билан бирга, бир қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда, айниқса, ер участкаларини ажратиш, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмасидан, кредит ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини таъминлашда бюрократик тўсиқлар ва сансалорликлар учрамоқда.

Мансабдор шахслар давлат ҳимоясида бўлган хусусий мулкнинг дахлсиз эканлигини, ҳар қандай важ билан хусусий мулкни, шу жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкни олиб қўйиш, асосли заруратсиз мулкни бузиб юбориш ғайриҳуқуқийлигини англаб етмаяпти ҳамда ер участкаларини ажратишда ўзбошимчаликларга йўл қўймоқда, бу эса мулкдорларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоялаш кафолатларини кучайтириш ва бундай ҳуқуқбузарликларга йўл қўйганлиги учун ушбу масъул шахсларнинг жавобгарлигини оширишни тақозо этмоқда.

Кўрсатиб ўтилган камчиликлар комплекс ва тезкор ҳал этишни, барча даражадаги давлат органларининг ягона услубий раҳбарлик остида ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик қилишини, хусусий мулкнинг ишлаши, ер участкаларини реализация қилиш, тендер савдоларини ўтказиш ҳамда давлатга тегишли бўлмаган бино ва иншоотларни бузишга оид аниқ ва лўнда ҳуқуқий нормаларни яратишни, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлашни, аҳолининг кенг қатламларини бизнес билан шуғулланишга фаол жалб этишни талаб этади.

**(Давоми 2 ва 3-бетларда).**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги ПФ–5780-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги марказий аппарати тузилмасига иқтисодиёт ва саноат вазирининг ҳудудларни, шу жумладан, Сирдарё вилоятини комплекс ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари лавозимини қисқартириш ҳисобига **Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирининг ўринбосари — Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори лавозими киритилсин**.

2. **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги** бошқарув ходимларининг чекланган умумий сони 28 нафардан иборат бўлган (кейинги ўринларда — Агентлик) **тузилмаси** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:

Агентлик директори икки нафар ўринбосарга, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосарга эга;

Агентлик директорининг ўринбосари бир вақтнинг ўзида Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг ижрочи директори ҳисобланади (кейинги ўринларда — Жамғарма);

Агентлик фаолиятини молиялаштириш манбалари Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади;

Агентлик кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молиявий ташкилотлари маблағларини жалб қилиши мумкин;

**(Давоми 3-бетда).**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР, ШУНИНГДЕК, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча туртки бериш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, жойларда ижтимоий қамров даражасини ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси (кейинги ўринларда — "Давергеодезкадастр" қўмитаси) ва уларнинг худудий бўлинмалари ҳамда бошқа ваколатли давлат органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **хусусий мулкнинг дахлсизлиги, иқтисодий фаолият ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлаш, тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва янада кўпайтириш учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисидаги** нормаларини сўзсиз ижро этиш ва уларга қатъий риоя қилиш бўйича **шахсан жавобгар эканлиги тўғрисида огоҳлантирилсин**.

Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили (кейинги ўринларда — Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил):

**хусусий мулкдорларга уларнинг ҳуқуқларини бузган ҳолда зарар етказилишига**, шу жумладан, мулк ҳуқуқини ноқонуний чеклаш ва (ёки) ундан маҳрум қилиш, хусусий мулкка, жумладан, аввал хусусийлаштирилган мулкка тажовуз қилиш, мулкдорга қасддан номақбул шартларни, шу жумладан, мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишга доир асоссиз талабларни қўйиш, шунингдек, мулкни олиб қўйиш ёхуд мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга **йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат (контрол) ўрнатсин**;

мансабдор шахслар томонидан суиистеъмол ва қонунбузарлик ҳолатларининг **олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик юзасидан зарур чораларни кўрсин**.

2. Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддатда ушбу Фармон қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларига, шу жумладан, "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига **мулкдорларнинг хусусий мулк дахлсизлиги, ўзига тегишли бўлган мол-мулкка мустақил эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, мулкдорларга давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган ер майдонининг бозор қийматида тўлиқ қопланиши**ни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

3. **Қуйидагилар барча даражадаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги энг муҳим вазифалари этиб белгилансин**:

тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини устуворлиги, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларининг сўзсиз бажарилиши, мулк ва бошқа мулкий ҳуқуқлар бузилишига йўл қўйилмаслиги тамойилларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш;

аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, барқарор ривожланаётган тадбиркорлик субъектлари сонини янада кўпайтириш бўйича тизимли чоралар кўриш, шунингдек, ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган тадбиркорлик билан ишлашни кучайтириш;

фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва нотураржой объектлари негизида кичик саноат зоналарини ташкил этиш, ер участкаларини белгиланган тартибда электрон онлайн-аукцион орқали ажратишда кўмаклашиш;

тадбиркорлик субъектларининг молиявий, товар ва хом ашё ресурслари, муҳандислик-коммуникация тармоқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши, инвестиция ва ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этиш бўйича амалий кўникмаларни ўзлаштиришида амалий ёрдам кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектлари учун мавжуд имкониятлар, имтиёзлар ва бошқа молиявий қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, давлат идораларининг расмий веб-сайтларида мунтазам равишда ёритиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Адлия вазирлиги билан биргаликда консультатив ёрдам ва ахборот жиҳатдан таъминлаш, тадбиркорларнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича жойларда семинар-тренинглар ўтказиш;

тадбиркорларга бизнес форумлар, кўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил этиш ва ўтказишда кўмаклашиш, уларда маҳаллий ва хорижий тадбиркорлик субъектларининг кенг иштирокини таъминлаш;

тадбиркорларга ишончли шериклар ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлари учун янги бозорларни топишда, экспорт салоҳиятини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш.

4. **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига қуйидагилар тақиқлансин**:

тадбиркорлик субъектларини ўзларининг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишларга, шу жумладан, ҳомийлик ва хайрия ёрдамини кўрсатиш ишларига, ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини олиб бориш, темир-терсак ва макулатура йиғиш ҳамда бошқа ишларга мажбурий жалб қилиш;

тадбиркорлик субъектларини ҳар қандай шаклда қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга (экиш ва йиғиб олиш ишларига) ва меҳнат ресурслари, пул маблағлари ва бошқа моддий бойликларни йиғиш ишларига бошқа шаклда жалб қилиш;

тадбиркорлик субъектлари иштирокида мажбурий тартибда, шу жумладан, уларга нисбатан маъмурий ва бошқа чораларни қўллаш таҳдиди остида йиғилишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш.

5. 2020 йил 1 январдан бошлаб **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг** қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини олиб қўйиш ва бир фермер хўжалигидан бошқасига ўтказиш, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларга эгалигида бўлган, улар фойдаланадиган ва мулки бўлган ер участкаларини жамоат ва давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйиш бўйича **ваколатлари тегишли халқ депутатлари Кенгашларига** берилсин.

6. 2020 йил 1 мартдан кучга кирадиган "**Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида**"ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (кейинги ўринларда — Қонун) қабул қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 1 февралга қадар **Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент** (кейинги ўринларда — ҳуқуқий эксперимент) ўтказиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Қуйидагилар ҳуқуқий экспериментнинг асосий мақсадлари этиб белгилансин:

қонунийлик, ихтиёрийлик, ҳақ тўлаш, хусусийлаштириладиган ер участкаларининг ва уларда жойлашган кўчмас мулк объектларининг бирлиги, ер участкаларини хусусийлаштиришнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашга қаратилган қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш механизмларини амалда қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш соҳасидаги давлат бошқарувини амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини уларнинг амалий самарадорлиги, тартибга солинадиган муносабатлар соҳаларини тўлиқ қамраб олиниши жиҳатидан мониторинг ўтказиш;

ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш ва аҳолини бизнес билан шуғулланишга жалб қилиш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштиришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

бир ой муддатда Қонуннинг ҳаволаки нормаларини амалга оширишга қаратилган зарур ҳужжатлар, шу жумладан, **Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тартиб-таомилларини апробация қилиш бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом**ни қабул қилсин;

икки ой муддатда **Сирдарё вилояти ҳудудларининг режалаштириш схемаси** тасдиқланишини таъминласин;

оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, аҳоли ўртасида ҳуқуқий эксперимент амалий ижросининг боришини мунтазам равишда ёритиб борсин;

ҳуқуқий эксперимент натижаларига кўра, 2020 йил 5 февралга қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига Қонун нормаларини янада такомиллаштириш ва уни республиканинг бошқа ҳудудларида қўллаш бўйича таклифлар киритсин.

9. 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб фойдаланилмаётган **давлат мулки объектлари**ни, шу жумладан, таълим муассасалари (академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бундан мустасно), соғлиқни сақлаш ва спорт, маданият, хусусан кинотеатрлар, клублар, концерт-томоша кўрсатиш муассасалари ва кинолаштириш объектлари, **шунингдек, давлат ташкилотларининг бўш турган ер участкаларидан** (кейинги ўринларда — фойдаланилмаётган активлар) **доимий фойдаланиш ҳуқуқи**ни хўжалик фаолиятига жалб қилиш ва сотиш тартиби жорий этилсин. Унга мувофиқ:

фойдаланилмаётган активларнинг мулкдорлари Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва "Давергеодезкадастр" қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг тегишли сўрови келиб тушган вақтдан бошлаб икки ой муддатда балансда сақловчининг юқори турувчи ташкилоти (агар мавжуд бўлса) билан келишилган, фойдаланилмаётган объектлар ва бўш турган ер участкаларидан самарали фойдаланиш бўйича "йўл харитаси"ни (кейинги ўринларда — "йўл харитаси") тақдим этиши шарт;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган объектларни хўжалик фаолиятига жалб қилиш бўйича ишчи гуруҳ томонидан "йўл харитаси" тасдиқланади;

фойдаланилмаётган активларнинг балансда сақловчиси томонидан "йўл харитаси" тақдим этилмаган ёки унда назарда тутилган фойдаланилмаётган активлардан самарали фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган муддатда бажарилмаган ёхуд "йўл харитаси"ни тасдиқлаш рад этилган ҳолларда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўз ваколатлари доирасида фойдаланилмаётган активларни олиб қўйиш ва сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

10. Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, "Давергеодезкадастр" қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг 2019 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидаги тартибларни ўрнатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

а) тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкалари **республиканинг барча ҳудудларида фақат "E-IJRO AUKSION" савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали тақдим этилади**, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ ер участкалари бериш ҳоллари бундан мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари ушбу тартибни бузганлик учун шахсий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилсин;

б) **жисмоний ва юридик шахсларга "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизимида аниқ инвестиция мажбуриятлари билан бирга ер участкаси ва режалаштирилаётган қурилиш майдончаси тўғрисидаги маълумотларни** кейинчалик уларни электрон онлайн-аукционга қўйиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун **жойлаштириш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқи берилади.**

"Давергеодезкадастр" қўмитаси тадбиркорлик ва шаҳарсозлик учун таклиф қилинадиган ер участкаларининг жойлашуви тўғрисидаги ахборотлар Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълумотлар порталида ва ўз расмий веб-сайтида жойлаштириб борилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу банддаги қоидаларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали тадбиркорлик фаолияти учун тақдим этишнинг янги тартибини жорий этишга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини киритсин ва унда жумладан, қуйидагиларни назарда тутсин:

"Давергеодезкадастр" қўмитаси органлари томонидан "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизимига маълумотларнинг мустақил киритилиши;

ер участкаларини танлаш бўйича материалларни ваколатли органларга келишиш ва хулоса бериш учун автоматик тарзда юбориш;

ер участкаларини танлаш бўйича материалларни келишиш пайтида қурилишга рухсат берилган ёки тақиқланган объектлар турларини аниқлаш, архитектура-режа топшириғини ишлаб чиқиш, шунингдек, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш учун техник шартларни тақдим этиш;

ер участкаларини танлаш бўйича материаллар юзасидан муайян давлат органлари хулосаларини олиш талабини бекор қилиш;

келишув ва ижобий хулосалар берилгандан сўнг қўшимча қарорларсиз ер участкаларини "YERELEKTRON" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали электрон онлайн-аукционга қўйиш;

электрон онлайн-аукцион натижалари тўғрисидаги баённома асосида ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатига олиш, шунингдек, аукцион ғолибига ер участкасини ажратиш тўғрисидаги қарор ўрнига Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестридан кўчирма бериш.

11. Жаҳон банки томонидан тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш тизимини кенгайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш, аҳолининг кенг қатламларини бизнес юритишга жалб қилиш ва бошланғич капиталдан фойдаланиш имкониятини таъминлаш бўйича давлат органи сифатида тавсия этилган **Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузурида Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги** (кейинги ўринларда — Агентлик) ташкил этилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кичик бизнес ва тадбиркорликни, хусусий тадбиркорликнинг барча шаклларини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ваколатли давлат органлари ва ташкилотларининг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни ташкил этиш;

ишбилармонлик муҳитининг жорий ҳолатини ўрганиш, шу жумладан, сўровномалар ўтказиш асосида ҳамда ер участкалари тақдим этиш ва қурилиш-монтаж ишларини бажариш тартиб-таомилларини соддалаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфратузилмаси, бошқа моддий-хом ашё ва молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини яхшилаш, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бюрократик тўсиқлар ва ғовларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

бизнесни кенгайтиришни рағбатлантиришга, қўшимча қиймат яратишнинг яхлит занжирларини шакллантиришга, замонавий технологияларни ўзлаштиришга, экспортни кўпайтиришга, доимий иш ўринларини яратишга йўналтирилган натижага қаратилган воситаларни жорий этиш;

йирик ишлаб чиқарувчилар томонидан кичик ва ўрта корхоналар — оралиқ товарлар ва хизматлар (хом ашё, бутловчи қисмлар ва бошқалар)ни етказиб берувчилар фаолиятини, шу жумладан, тижорат банкларида мақсадли депозитлар очиш ҳисобига молиялаштириш механизмларини жорий этиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан, аҳолининг заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларига кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш шаклида молиявий ёрдам кўрсатиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қонунчилик, янги технологиялар ва маҳсулотлар, бозорлар ва бошқа долзарб масалалар бўйича номолиявий қўллаб-қувватлаш (бепул телефон ва онлайн-маслаҳат хизматлари, ўқув марказлари, бизнес-инкубаторлар, ахборот хизматлари ва бошқалар) тизимини шакллантириш;

халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш лойиҳаларини амалга ошириш, уларга техник ва маслаҳат кўмагини ташкил этиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича кабулхоналари билан кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича давлат ва ҳудудий дастурларни тайёрлаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқишда яқиндан ҳамкорлик қилиш.

12. Белгилаб қўйилсинки, Агентлик республика давлат бошқаруви органи бўлиб, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига бўйсунади.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Молия вазирлигининг:

**"Микрокредитбанк" АТБ ва "Халқ банки" АТБни** "оилавий тадбиркорлик"ни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштирувчи **банклар этиб белгилаш**;

"оилавий тадбиркорлик"ни ривожлантириш ва умуман, аҳолининг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш давлат дастурлари доирасида аввал ажратилган кредитлар ҳисобига бўшайдиган маблағларни "Микрокредитбанк" АТБ ва "Халқ банки" АТБга **кейинчалик** кредит бозорида бузилишларни бартараф этиш, пул маблағларидан тенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва мақсадли молиявий ресурслардан фойдаланишдан ижтимоий-иқтисодий самарани ошириш мақсадида **кичик бизнес ва тадбиркорликни бозор шароитларига яқин ставкаларда кредитлаш учун** йўналтириш.

Молия вазирлиги Агентлик ва манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти чекланган аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларини талаб мавжуд бўлган касб ва мутахассисликлар бўйича ўқитишга, уларни ижтимоий ва номолиявий қўллаб-қувватлашнинг янги воситаларини жорий этишга қаратилган ҳукумат қарори лойиҳасини ушбу тадбирларни "оилавий тадбиркорлик"ни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида илгари берилган кредитларни "Микрокредитбанк" АТБ ва "Халқ банки" АТБларига жойлаштиришдан тушган қўшимча даромадлар ҳисобига молиялаштиришни назарда тутган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги:

а) 2019 йил охирига қадар қуйидагиларни:

мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашга асосланган ҳамда уларга жойлашган жойи ва тижорат банклари филиалларида молиявий ресурсларнинг мавжудлигидан қатъи назар, тадбиркорлик фаолияти учун кредитларни соддалаштирилган тартибда ва тенг шартларда жалб қилиш имконини берувчи **"бир хил" (намунали) банк маҳсулотлари — "модул"ларни** ишлаб чиқишни ва кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига банк хизматларини кўрсатиш амалиётига жорий этишни;

**тижорат банкларининг кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига кредитлар ажратиш бўйича алоҳида таркибий бўлинмаларини ташкил қилишни**, ажратилаётган кредитларнинг мақсадлилиги ва самарадорлигини таъминлаш юзасидан ушбу бўлинмалар ходимларининг жавобгарлигини, шунингдек, молиялаштирилаётган лойиҳаларни амалга ошириш натижаларига қараб уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш тизимини кучайтиришни;

Сирдарё ва Андижон вилоятларида, шунингдек, Тошкент шаҳрида мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун ихчам "**банк хизматлари офислари**"ни ташкил қилиш, кейинчалик республиканинг барча шаҳарлари ва туманларида уларнинг тармоғини кенгайтириш бўйича тажриба-синов лойиҳасини амалга оширишни таъминласин;

б) икки ой муддатда банк хизматлари менежменти ва тизимини тубдан ислоҳ қилиш, шунингдек, банк секторини давлат тасарруфидан чиқариш бўйича қуйидагиларга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини киритсин:

тижорат банкларида корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини жорий этиш ва унинг самарадорлигини ошириш;

тижорат банкларининг мижозга қаратилганлик даражасини ошириш, уларда самарали инфратузилма яратиш ва янги хизмат турларини, шу жумладан, ахборот технологияларини жорий этиш;

тижорат банкларининг операцион харажатларини оптималлаштириш;

тижорат банкларига кредитлар ҳажми ва уларнинг фоиз ставкаларини мавжуд талабга асосан, мустақил равишда белгилаш ҳуқуқини берган ҳолда имтиёзли фоиз ставкалари билан кредитлар ажратиш амалиётини бекор қилиш;

давлат улуши иштирокидаги тижорат банкларини халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматлар молиявий ташкилотлари ва консалтинг компаниялари иштирокидаги, бозор тамойиллари асосида ишлайдиган универсал банкларга трансформация қилиш.

15. **2019-2020 йилларда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича "Йўл харитаси"** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

16. "Кафолат суғурта компанияси" АЖ:

Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ўзининг қуйи бўғиндаги бўлинмалари томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида хизматларни, шу жумладан, тадбиркорлик таваккалчилиги, гаров, лизинг, асбоб-ускуналар, юклар, жавобгарлик ва бошқаларни суғурта қилиш масалалари бўйича мунтазам равишда семинарлар ва тренинглар ташкил этилишини таъминласин;

тижорат банклари билан биргаликда тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш шартларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига берилган кредитнинг гаров таъминоти билан қопланмаган қисмини кредит қайтмаслик хатари бўйича суғурталашни амалга оширсин;

Агентлик билан биргаликда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, 2019 йил 1 октябрга қадар кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг суғурта хизматларини олиш учун сарфлайдиган харажатлари ва вақтини қисқартиришга қаратилган тадбиркорлик таваккалчилигини суғурта қилиш шартларидаги замонавий суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

17. Белгилансинки, молиявий йил учун барча турдаги кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш) шартномалари бўйича суғурта қопламаларининг умумий миқдори "Кафолат суғурта компанияси" АЖ ўз капиталининг 10 фоизидан ошган тақдирда, **компаниянинг ўз капитали 10 фоизидан ортиқ миқдоридаги зарари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади**.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳар чоракда "Кафолат суғурта компанияси" АЖ Кузатув кенгашида кредитнинг қайтмаслик хатарини суғурталаш (кредитлар ва лизинг операциялари бўйича тадбиркорлик таваккалчилигини суғурталаш) шартномалари бўйича суғурта қопламаларининг ҳажмлари ва улар бўйича кутилаётган йўқотишлар тўғрисидаги жамият ижро этувчи органининг ҳисоботи эшитилишини таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва Агентлик 2019 йил 1 октябрдан бошлаб:

тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, маълум сабабларга кўра фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлик субъектларини ҳисобга олишнинг ягона ёндашувини;

тадбиркорлик субъектларининг демографияси, шу жумладан, уларнинг фаолият даври бўйича статистик маълумотлар шакллантирилишини;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналарига ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминласин.

19. 2019 йил 1 октябрдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ва Бош вазир қабулхоналарининг ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини **ўз фаолиятини тўхтатган тадбиркорлик субъектларининг тадбиркорлик фаолиятини тиклаш ва унга жалб қилиш, тегишли ҳудудда уларнинг сонини ошириш юзасидан рағбатлантириш ва жавобгарлигини кучайтириш тизими** жорий этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда ушбу бандни амалга ошириш механизмлари тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

20. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда вилоятнинг олий ўқув юртларига ўтказилаётган касб-ҳунар коллежлари негизида, шу жумладан, хусусий сектор иштирокида тадбиркорлик, маркетинг ва бизнесни бошқариш каби бизнес йўналишлари бўйича ўқитиш учун **Ўзбекистонда "Binary" (Малайзия) халқаро менежмент ва тадбиркорлик университетининг филиалини очиш** масаласини кўриб чиқсин.

21. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов бир ой муддатда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган долзарб муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари ҳузурида **фаол тадбиркорлар, ҳуқуқшунослар ва жамоатчиликнинг бошқа вакиллари орасидан жамоатчилик кенгашлари** тузилишини ҳамда ушбу кенгашлар тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланишини таъминласин.

Белгилансинки, тадбиркорларнинг жамоатчилик кенгашлари йиғилишларида айтилган (тақдим этилган) таклифлари ва ташаббуслари кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхоналари, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уларнинг амалда бажарилишини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда Агентликка юборилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига** ташкил этиладиган жамоатчилик кенгашлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш юзасидан **шахсий жавобгарлик юклансин**.

22. Белгилаб қўйилсинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг иқтисодий ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари тизимли равишда:

Агентлик билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларнинг ишлаб чиқилиши, ижро этилиши ва мониторингини ташкил қилади;

ҳар ҳафтанинг душанба, сешанба ва чоршанба кунлари туманлар ва шаҳарлар секторлари раҳбарлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиятнинг тегишли органлари билан биргаликда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик қилаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида маҳаллаларга чиқишни ташкиллаштиради;

Агентликка кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, шунингдек, ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун зарур хизматлар кўрсатадиган тегишли бозор инфратузилмасини шакллантириш бўйича таклифлар киритади.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) этиб қайта ташкил қилинсин ва Агентлик таркибига ўтказилсин.

24. Белгилаб қўйилсинки:

а) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш Жамғарма томонидан бош битимлар асосида ваколатли тижорат банклари орқали миллий ва хорижий валютада амалга оширилади;

б) кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш, асосан, кафилликлар ва кафолатлар шаклида, бошқа ҳолларда эса тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида амалга оширилади;

Агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда бир ой муддатда **умумқабул қилинган методика асосида** кафилликлар ва кафолатлар, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар шаклида молиявий кўмак олувчи **салоҳиятли қарздорлар — кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини танлашнинг аниқ мезонларини тасдиқласин**;

в) кафолатлар ва кафилликлар, шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсациялар молиявий ресурсларга бўлган талабни ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шунингдек, аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига уларнинг белгиланган мезонларга мос келадиган тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун **тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларидаги лойиҳаларни молиялаштириш учун тақдим этилади, қуйидагиларни назарда тутувчи кредитлар бундан мустасно**:

илгари олинган кредитлар ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш;

савдо-воситачилик ва умумий овқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектларининг айланма маблағларини шакллантириш;

савдо ва умумий овқатланиш объектларини қуришни молиялаштириш;

нобанк кредит ташкилотлари ва лизинг компанияларининг ресурс базасини шакллантириш;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу мақсадлар учун ускуналар сотиб олиш;

д) қуйидагилар молиявий кўмак олиш учун асослантирилган аризаларни Жамғармага тақдим этиш юзасидан масъул ташкилотлар ҳисобланади:

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# ХУСУСИЙ МУЛКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА МУЛКДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДАГИ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР, ШУНИНГДЕК, ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАР ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ИНФРАТУЗИЛМАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1 ва 2-бетларда).**

кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари буюртмалари бўйича — **тижорат банклари**;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари буюртмалари бўйича — **туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлинмалари масъул ҳисобланади**.

25. Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) **Жамғарма** ҳисобидан тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафилликнинг энг кўп миқдорини кредит суммасининг **50 фоизигача** миқдорда сақлаб қолган ҳолда, унинг миқдорини **2 миллиард** сўмдан **8 миллиард** сўмгача кўпайтириш;

б) **Жамғарма** томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига:

суммаси 10 миллиард сўмдан, фоиз ставкаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг 1,5 бараваридан ошмайдиган миллий валютадаги кредитлар учун — қайта молиялаш ставкасидан ошадиган, лекин 5 фоиз пунктидан кўп бўлмаган қисми;

эквиваленти **10 миллиард** сўмдан ошмайдиган хорижий валютадаги кредитлар учун — тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизигача**, лекин **3 фоиз** пунктидан кўп бўлмаган миқдорда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этиш.

Белгилаб қўйилсинки, ушбу банд талаблари тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун Жамғарма томонидан тақдим этиладиган кафилликлар ва компенсацияларнинг **Ўзбекистон Республикаси Президентининг аввал қабул қилинган ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари билан тасдиқланган** шартларига татбиқ этилмайди.

26. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси уч ой муддатда:

"Давлат харидлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг янги таҳрирдаги лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чораларини кўрсин;

бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича ислоҳотларни амалга оширишни мувофиқлаштириш учун мамлакат ҳудудларига юборилган вазирлик ва идоралар вакилларининг роли ва ваколатларини қайта кўриб чиқсин.

27. Вазирлик ва идоралар, шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни талабларига қатъий риоя қилган ҳолда тадбиркорлик субъектларини давлат харидлари жараёнига кенг жалб этиш орқали барча давлат буюртмачилари томонидан давлат харидларининг шаффофлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича самарали чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қонунга мувофиқ бўлмаган топшириқлари, шу жумладан, қонунда кўзда тутилмаган, ягона етказиб берувчидан тўғридан-тўғри харид қилиш имконини кўзда тутувчи баённомалар шаклидаги топшириқларни киритиш амалиёти қатъиян тақиқлансин;

давлат харидларини амалга оширишда истисно тарзида тўғридан-тўғри шартномалар тузиш ҳуқуқини беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш тақиқлансин.

28. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда давлат харидлари бўйича махсус ахборот портали ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ахборот тизимларини интеграция қилган ҳолда корпоратив буюртмачиларнинг амалга оширадиган давлат харидлари бўйича тўловлар ҳисобини юритиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

29. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва "Давергеодезкадастр" қўмитаси икки ой муддатда ўз тузилмаларини функционал жиҳатдан такомиллаштириш ва қуйидагилар билан боғлиқ айрим ваколатларни ҳудудий бўлинмаларга ўтказишни назарда тутган ҳолда, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида уларнинг ҳудудий бўлинмалари роли ва масъулиятини ошириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

қурилиш объектларини лойиҳалаштириш, қуриш, қабул қилиш, фойдаланиш ва таъмирлаш, рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга ошириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, қурилиш инспекциясини амалга ошириш, бошқа турдаги давлат хизматларини кўрсатиш;

ер тузишни ташкил этиш, ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер ресурсларини ҳисобга олиш, баҳолаш ва мониторинг қилиш, ушбу соҳада тизимли давлат назоратини амалга ошириш, бошқа турдаги давлат хизматларини кўрсатиш.

30. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳасини киритишда тадбиркорлик фаолияти соҳасида ички ва ташқи инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган меҳнат муносабатларини такомиллаштириш бўйича нормаларни назарда тутсин.

31. "Ўзстандарт" агентлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олти ой муддатда халқаро ва миллий стандартларга мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар)нинг миллий классификаторини ишлаб чиқсин.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги ПҚ–4231-сон қарори билан ташкил этилган **Ҳудудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир ишларни мувофиқлаштириш бўйича республика комиссиясига** ушбу Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш бўйича ишларни самарали ташкил этиш ҳамда чора-тадбирларнинг мувофиқлаштирилишини таъминлаш вазифаси юклансин.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 мартдаги "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги фаолиятини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ–5679-сон Фармони 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига 2019 йил 1 октябрдан кучга кирадиган қўшимча ва ўзгартиришлар 2-иловага мувофиқ киритилсин.

35. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

бир ҳафта муддатда Агентлик фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори лойиҳасини;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

36. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АГЕНТЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Қорақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодиёт ва саноат бош бошқармалари тузилмаларида Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг ўрнатилган умумий бошқарув ходимларининг чекланган сони доирасида Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил аппаратининг ҳудудларда фаолият юритаётган ходимлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда ишлайдиган, бошқарув ходимларининг штат бирлиги 49 нафардан иборат кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўлимлари ташкил этилади.

4. Агентлик:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда номолиявий ёрдам турларини ҳамма соҳаларда кенгайтириш, шу жумладан, бизнес юритиш асослари ва соҳадаги қонун ҳужжатлари, тадбиркорлик фаолиятининг хавф-хатарларини баҳолаш кўникмаларини ўргатиш орқали тадбиркорларнинг кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш дастурларида мувофиқлашган тарзда иштирок этишини, уларнинг малакасини ошириш, стажировкалар ва бошқалар ташкил этилишини таъминласин;

тижорат банклари билан биргаликда икки ой муддатда фойдаланиладиган ускуналарнинг техник хусусиятлари, ўзини қоплаш муддати, маҳаллий хом ашё билан таъминланиши, сарфланадиган материаллар ҳисоб-китоби ва бозорлар, шу жумладан, хорижий бозорлар баҳосини ўз ичига олган электрон каталогини шакллантирсин, кейинчалик салоҳиятли лойиҳалар ва бизнес ташаббусларини танлаб олиш жараёни самарадорлиги ва сифатини ошириш мақсадида улар Агентлик ва тижорат банкларининг веб-сайтларига жойлаштирилсин.

5. Жамғармани бошқариш кенгашининг Жамғарма Ижро этувчи дирекциясига ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган 7 нафар бошқарув ходими штат бирлигини қўшимча ажратиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Жамғарманинг ижро этувчи директорига Жамғарманинг ўз маблағлари ҳисобидан уларнинг хизматларига ҳақ тўлаган ҳолда малакали хорижий мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. **Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг** Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиявий ёрдам олиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш бўйича электрон ҳужжат айланиш схемалари 2 ва 3-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Агентлик билан биргаликда бир ой муддатда **Жамғарма ҳисобидан лойиҳалари бўйича молиявий ёрдам кўрсатиладиган аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами тоифаларининг** рўйхатини тасдиқласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тизимли равишда кичик бизнес ва тадбиркорликни, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш соҳасида иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, бандлик ва меҳнат муносабатлари, иқтисодиёт ва саноат, Савдо-саноат палатаси, тижорат банкларининг туман бўлимлари раҳбарларининг билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида ўқув курсларини, шу жумладан, масофадан туриб ўқитиш шаклидаги курсларни ташкил этсин.

9. Жамғарма қуйидагиларни назарда тутувчи **"Тадбиркор" ахборот тизимини яратиш ва ишга туширишда** буюртмачи сифатида белгилансин:

тижорат банклари ва Жамғарма ўртасида электрон ҳужжат айланиши, шу жумладан, электрон рақамли имзо ёрдамида маълумот алмашиш;

яратиладиган автоматлаштирилган дастурий таъминотни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги ва Ўзбекистон банклари ассоциациясининг ахборот тизимлари билан интеграциялаш;

тижорат банкларининг кредитлари бўйича электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда ишончнома ва кафолатлар, шунингдек, фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация бериш тўғрисида электрон шартномалар тузиш;

тижорат банклари ва уларнинг мижозларига Жамғарманинг расмий веб-сайти орқали реал вақт режимида кредит буюртмаларини кўриб чиқиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш имкониятини бериш.

10. Жамғарма:

бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги билан биргаликда ўзида лойиҳа қиймати ва тегишли ишларни молиялаштириш манбаларини акс эттирган ҳолда, "Тадбиркор" ахборот тизимини ташкил этиш, техник қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича техник ҳужжатларнинг ишлаб чиқилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ҳузуридаги "Электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази" давлат унитар корхонасига келишиш учун киритилишини;

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда ишларни молиялаштиришга амалдаги маблағ ажратилган санадан бошлаб 6 ой муддатда "Тадбиркор" ахборот тизимининг яратилиши ва ишга туширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг 10-бандида назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва бошқа донор ташкилотларнинг грантлари жалб этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Агентликнинг жойлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Агентликни зарур алоқа воситалари, шу жумладан, ҳукумат алоқаси билан таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги:

а) икки ҳафта муддатда белгиланган тартибда Агентлик ва Жамғарма ходимларининг штат жадвалини тасдиқласин;

б) бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига:

Агентлик ва Жамғарма тўғрисидаги низомларнинг лойиҳаларини;

қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни киритсин;

в) Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, шу жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича палатага хос бўлмаган функция ва вазифаларни тегишли органларга бериш юзасидан таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2019 йил 13 август

**Ҳамкорлик**

## ЯНГИ ДАСТУР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси вакиллари билан учрашди.*

Унда мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш, уларнинг репродуктив саломатлиги, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ҳаётда учрайдиган салбий ҳодисалар таъсиридан ҳимоя қилиш бўйича икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Бу жараёнда оила, боғчалар ҳамда таълим муассасалари муҳим роль ўйнаши алоҳида қайд этилди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Ҳукумати ва ЮНИСЕФ ваколатхонаси ўртасида 2016 йил 15 апрель куни имзоланган ўзаро келишув муваффақиятли амалга оширилмоқда. Унга кўра, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси 2014 — 2018 йилларда Таълим бўйича глобал ҳамкорликнинг "Мактабгача ва умумий ўрта таълимни такомиллаштириш" лойиҳасини амалга ошириш учун 49,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги беғараз техник кўмагини жалб қилишда республикага кўмаклашди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар бу каби самарали ҳамкорлик лойиҳаларини янада мустаҳкамлаш, жумладан, болалар ва ўсмирларда репродуктив саломатлик тўғрисида энг зарур кўникмалар яратиш бўйича Ўзбекистон учун махсус дастур ишлаб чиқишга келишиб олдилар.

**Мафтуна АЗИЗОВА.**

## Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси фуқароларимизни қай даражада ҳимоя қилмоқда?

1

Телефон ва бошқа хизматлар тўловлари ҳамда пулни нақдлаштириб олиш имкониятини тақдим этиш мақсадида банкоматларни қўйиш ҳам режалаштириляпти. Кенг миқёсда консуллик хизматларини кўрсатиш учун жорий йилда иншоотни капитал таъмирдан чиқариш ва Консуллик бўлими заллари майдонини кенгайтириш мўлжалланмоқда.

Шулар қаторида, консуллик фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этишга алоҳида аҳамият қаратиляпти. Чунончи, оммавий мессенжерларда айрим масалалар юзасидан каналлар очилган. Бу, масалан, Ватанга қайтиш сертификати ёки фуқаролик масалалари кўриб чиқилишининг ҳолати ва тайёрлиги ҳақида маълумотни тезкор олиш имконини бермоқда. Элчихонанинг расмий сайтида консуллик-ҳуқуқий масалалар бўйича доимий янгиланиб турувчи материаллар жойлаштириб борилаётир. Сўнгги пайтларда элчихонанинг "Facebook" ижтимоий тармоғидаги расмий саҳифаси ахборот олишнинг муҳим манбаига айланди. У ерда мавзу бўйича янгиликлар мунтазам бериб бориляпти, изоҳларда эса обуначиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилмоқда.

2019 йилнинг 1 июлидан бошлаб элчихонанинг Консуллик бўлими базасида етти каналли "Call-center" фойдаланишга топширилди. Ушбу тизим Ўзбекистон фуқароларига автоматик режимда ўзбек ва рус тилларида (манзиллар, иш тартиби, Россия ҳудудлари бўйлаб консуллик муассасалари тақсимоти, хизматлар ва ҳар бир хизмат учун талаб этиладиган ҳужжатлар ҳақидаги) зарур маълумотларни олиш имконини беряпти. У ёки бу масала бўйича аниқлик киритиш учун оператор билан боғланиш имконияти ҳам яратилган. Автожавоб қайтаргич қўнғироқ қилаётган шахсга маълумот олиш учун ҳаракатлар алгоритмини тушунтиради ёки оператор билан улайди, шунингдек, операторлар яқин вақт ичида жавоб қайтариши мумкинлигини хабар қилиб, аризачи кутиш бўйича қайси навбатда турганини билдиради.

Юртдошларимизга фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳам мунтазам ҳуқуқий кўмак кўрсатилмоқда. Дипломатлар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқларини илгари суриш ва ҳимоя қилиш бўйича турли инстанция судлари суд мажлисларида бир неча бор иштирок этишгани ҳамда иш адолатли кўриб чиқилишига эришганлари бунга мисолдир.

Россияда меҳнат фаолиятини амалга ошириб келаётган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш ҳам доимий диққат марказида турибди. Дипломатлар саъй-ҳаракатлари билан ўнлаб ҳамюртларимиз ўзларининг қонуний иш ҳақларини олиш, паспортларини қайтариш, ишга жойлашиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш имкониятига эга бўлдилар. Бу ерда ишлаётган ўзбекистонликларнинг ҳуқуқларини амалда таъминлаш мақсадида Москва Кўп тармоқли миграция маркази билан самарали мулоқот йўлга қўйилган.

Бинобарин, 2017 йил 5 апрелда Ўзбекистон ҳамда Россия ҳукуматлари Россия Федерацияси ҳудудида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ташкилий асосда қабул қилиш ва жалб этиш тўғрисидаги Битимни имзоладди. Жорий йил май ойида элчихона вакиллари ушбу келишувни рўёбга чиқариш бўйича Ишчи гуруҳининг Красноярскда бўлиб ўтган йиғилишида қатнашди. Иштирокчилар ташкилий асосда қабул қилиш технологияси самарадорлигини эътироф этишди. Зотан, бу меҳнат миграциясини тартибга солиш, иш берувчиларга меҳнат муҳожирларини бўш иш ўринларига қонуний асосда жалб қилиш, чет эллик ишчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш имконини бермоқда.

Ўзбекистоннинг Владивосток, Екатеринбург, Ростов-Дон, Қозон, Новосибирск ва Санкт-Петербургда фаолият юритаётган Бош консулхоналари билан ҳам тизимли ўзаро алоқалар йўлга қўйилган.

Шу ўринда, Россия Федерациясида бўлиб турган хориж давлатлари фуқаролари, қолаверса, Москвада аккредитациядан ўтган чет эл дипломатик миссиялари ва халқаро ташкилотлар ходимлари Ўзбекистонга визани элчихонанинг Консуллик бўлими орқали олишини эслатиб ўтмоқчимиз. Кези келганда айтиш жоиз, визаларга аризалар сони сезиларли равишда қисқартирилди ва мос равишда Консуллик бўлимида навбатларнинг муайян камайтирилишига эришилди. Давлатимизнинг қатор мамлакатлар учун визасиз режим ва электрон кириш визалари ("E-visa")ни бериш тизимини жорий этишга оид қарори бунга хизмат қилди. Таъкидлаш жоиз, "E-visa"ни олиш жараёни консул билан суҳбат қилиш ёки бошқа бюрократик процедураларни кўзда тутмайди. Расмийлаштиришнинг тезкор тартиб-таомили бу каби визаларнинг яна бир афзал жиҳати ҳисобланади.

Шулар билан бир қаторда, жойларда Ўзбекистон фуқароларига консуллик хизматларини кўрсатиш учун Россия минтақаларига мунтазам ташриф буюриш амалиёти йўлга қўйилган. Биргина жорий йилнинг январь — июнь ойларида дипломатларимиз Астрахань, Владимир, Владивосток, Иваново, Қозон, Калининград, Хабаровск, Чита ва Якутск шаҳарларига бориб, ўзбек диаспораси фаоллари билан сайёр қабуллар ҳамда учрашувлар ўтказишди. Умуман олганда, бу каби мулоқотларда Россия ҳудудларида бўлиб турган 4 мингдан зиёд талабалар ва меҳнат муҳожирлари қатнашди. Тадбирларда консуллик-ҳуқуқий масалалар, жумладан, Ватанга қайтиш, консуллик ҳисобида туриш, паспорт алмаштириш ва бошқа ҳаракатлар бўйича батафсил маслаҳатлар бериляпти.

Дипломатлар Москва ва Россия Федерациясининг бошқа ҳудудларидаги хорижлик фуқароларни вақтинча ушлаб туриш марказларига ҳам доимий асосда ташриф буюриб, муассаса раҳбарияти, қолаверса, у ердаги ўзбекистонликлар билан учрашмоқда, уларнинг яшаш шароитлари билан танишишяпти, зарур консуллик-ҳуқуқий ва консультация ёрдамларини кўрсатишяпти.

Умуман олганда, статистика бу шунчаки рақамлар эмас, уларнинг ортида инсон тақдири ётади. Ўзбекистоннинг Россиядаги элчихонаси буни яхши тушунади ва мурожаат қилаётган барча инсонларга имкон борича ёрдам беришга ҳаракат қилмоқда. Айни чоғда фуқароларга хизмат кўрсатиш бўйича мавжуд камчиликларни ҳал этиш юзасидан ишлар олиб бориляпти, ватандошларимиз учун қулай шароитлар яратиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнларини тезлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинмоқда.

Эслатиб ўтамиз, дипломатик миссия юртдошларимизни ўзлари бўлиб турган мамлакат қонунчилигига риоя этишга чақиради ва фавқулодда вазият юзага келганда, зудлик билан яқин орадаги дипломатик ваколатхонага мурожаат этишларини сўрайди.

**«Дунё» АА.**

## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Жорий йилнинг 8 — 10 август кунлари Олмаота шаҳрида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикалари Ички ишлар вазирлари кенгашининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди.*

Унда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Бобожонов, Қозоғистон Республикаси ички ишлар вазири Е. Тургумбаев, Тожикистон Республикаси ички ишлар вазири Р. Раҳимзода бошчилигидаги делегациялар, шунингдек, Қирғизистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Қозоғистондаги вакили А. Долосбаев иштирок этди.

Йиғилишда минтақа давлатлари ички ишлар органларининг ноқонуний миграцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорлиги, жиноятчиларни қидиришдаги бирдамлик, чегара минтақаларида талончилик билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш самарадорлигини ошириш, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Ички ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш, кенгаш йиғилишини мунтазам ўтказиш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П. Бобожонов жиноятчиликнинг олдини олиш, ноқонуний миграция ва одам савдосига қарши курашиш, тезкор ахборот алмашишни фаоллаштириш каби йўналишларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилганини қайд этди.

Жумладан, Ўзбекистон — Қозоғистон, Тожикистон — Қирғизистон ички ишлар органлари ўртасида Идоралараро мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳ тузилган. Улар мунтазам учрашувлар ташкил этиб боради, ҳамкорлик қилади. Шунингдек, Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ички ишлар бошқармалари билан Қозоғистоннинг Туркистон вилояти ички ишлар департаменти ўртасида жиноятчиликка қарши курашиш борасида ўзаро ҳамкорлик режаси тасдиқланган.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари мазкур ҳамкорлик алоқалари ижобий самара бераётганига тўхталиб, келгусида ушбу йўналишдаги ишларни янада ривожлантириш кераклигини таъкидлади.

Тадбир иштирокчилари Олмаота шаҳар полициясини ислоҳ қилиш тажрибаси — "Хавфсиз шаҳар сари 21 қадам" лойиҳаси билан танишди. Ҳамкорликда ўқув-услубий йиғинлар ўтказилди.

Мажлисда Ички ишлар вазирлари кенгаши тўғрисидаги низом имзоланди.

**ЎзА.**

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

# Тиббиётдаги айрим ҳолатлар депутатлар танқидига сабаб бўлди

*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни ва дори воситалари таъминотини янада яхшилаш, ушбу соҳадаги қонунчиликни амалиётга самарали татбиқ этишга кўмаклашиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича комиссияси аъзолари томонидан жорий йилнинг январь — март ойларида ҳудудларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишларнинг ҳолати ҳар томонлама ўрганилиб, таҳлил қилинди.*

Ўрганишлар якунларига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг сессиялари ўтказилиб, тизимдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси тасдиқланди. Шунингдек, аниқланган республика даражасидаги қатор муаммолар ечими бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқилиб, ижрога йўналтирилди.

Мазкур комиссиянинг кеча бўлиб ўтган йиғилишида шу ҳақда маълумот берилиб, "Йўл харитаси" доирасида амалга оширилаётган тизимли ишлар хусусида алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида тиббий хизмат сифати ва самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган айрим омиллар, муаммолар мавжудлиги аниқланиб, уларни ҳал этиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, ҳудудлардаги мудофаа ишлари бўлимларида кўп ҳолларда куннинг биринчи ярмида ўтказилаётган тиббий кўрикларга шифокорлар жалб қилинаётгани аҳолига тиббий хизматнинг ўз вақтида ва тўлиқ кўрсатилмаслигига сабаб бўлаётгани инобатга олиниб, ушбу масала депутатлар, мутасадди вазирликлар масъуллари иштирокида ўрганилди. Натижада масъул вазирликлар томонидан маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда, бундай тиббий кўрикларни ўтказиш мақбуллаштирилди.

Тиббиёт соҳасининг муҳим муаммоларидан бири шаҳарлардаги оилавий поликлиникаларни тор доирадаги мутахассислар билан таъминлаш, туман ва шаҳарлардаги шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари шифо ўринларининг сонини бугунги кун эҳтиёжидан келиб чиқиб қайта кўриш билан боғлиқ. Бу масалаларда Ҳукумат билан биргаликда тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, малакали шифокорларни кенг жалб этиш мақсадида бугунги кунда номутаносиб белгиланган штат нормативлари ҳозирги замон талаблари асосида кўриб чиқилди. Натижада бирламчи тиббий-санитария муассасаларидаги вақтинчалик штат нормативлари қайтадан ишлаб чиқилиб, ҳозир тегишли вазирликлар билан келишилмоқда.

Йиғилишда тиббиёт ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга тез тиббий ёрдам автомашиналари ҳайдовчилари чақирувлар пайтида ҳаракатланаётганида белгиланган тезликни ошириш, светофорнинг тақиқловчи чироғига бўйсунмасдан ўтиш ва бошқа ҳолларда махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситаларига тушганда жаримага тортилмаслигини назарда тутувчи тегишли қўшимча киритиш юзасидан қонун лойиҳаси тайёрланиб, парламент қуйи палатаси муҳокамасига киритилди.

Шу билан бирга, чекка туманлардаги тиббиёт муассасаларида умумий амалиёт шифокорлари ёки тор соҳа мутахассислари етишмаслиги, ҳудудларда хоспис бўлимларини ташкил қилиш билан боғлиқ ишларни якунига етказиш, перинатал ва скрининг марказлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари долзарблигича қолаётгани парламент вакилларининг танқидига сабаб бўлди. Тиббиёт муассасаларидаги травматологик пунктлар фаолиятини мақбуллаштириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг ўзаро интеграциялашган фаолияти сустлиги тиббий хизматларга салбий таъсир кўрсатаётгани каби қатор масалалар ҳам комиссия аъзоларининг диққат марказида бўлди.

Тадбирда тиббий хизмат сифатини назорат қилиш, хусусан, шифокорлар томонидан беморларга ташхис қўйиш, даволаш жараёнида клиник тавсияларга амал қилиш, буюрилган дори воситаларининг бемор организмига таъсирини баҳолаш, дори воситалари асоссиз қўлланилишининг олдини олиш бўйича таъсирчан механизмларни яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Якунда муҳокама қилинган масалалар юзасидан комиссиянинг тегишли қарори қабул қилиниб, устувор вазифалар белгилаб олинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# Қонун лойиҳаларида қандай устувор мақсадлар ифодаланмоқда?

*Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.*

**Фракцияларда**

Хусусан, **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** йиғилишида дастлаб "Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимояси кучайтирилиши ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Фракция аъзоларининг қайд этишича, мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикасида ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштиришда муҳим ҳисобланади. Унда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик, Иқтисодий-процессуал, Фуқаролик-процессуал, Жиноят-процессуал кодекслари ва "Гаров тўғрисида", "Банкротлик тўғрисида", "Лизинг тўғрисида", "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро қилиш тўғрисида"ги қонунларига аҳоли ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, мамлакатимизнинг халқаро рейтинги ўсиши, молия тизимининг барқарорлигини ошириш ва муддати ўтган кредитларни қисқартиришни назарда тутувчи бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** аъзолари "Мактабгача ёшдаги болаларга мактабгача таълим бериш ва тарбиялаш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрофлича муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, қонун лойиҳаси мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши асосий принциплари ва мақсадини, мактабгача таълимнинг давлат кафолатларини белгилайди.

Аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида қонун лойиҳасида болаларнинг яшаш ёки доимий рўйхатга олинган жойидан қатъи назар, муассаса ташкил этиш йўли билан мактабгача таълим муассасасига қабул қилиш тартиби белгиланмоқда.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасаси педагог ходимларининг махсус мақомини белгилаш назарда тутиляпти. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларида назарда тутилган ҳолларни истисно қилган ҳолда, ўқитувчиларни ўз касбий мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш тақиқланмоқда.

Фракция аъзолари хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишнинг мажбурий тартибини кўзда тутувчи модда киритилишини таклиф этишди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** йиғилишида электорат манфаатлари билан боғлиқ бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

"Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасида сўзга чиққанларнинг қайд этишича, ҳозирги кунда Ўзбекистонда 700 мингдан ортиқ ногиронлиги бўлган шахслар, жумладан, 100 мингдан зиёд 16 ёшгача ногиронлиги бўлган болалар истиқомат қилмоқда.

Юртимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг таҳлили қонун ижодкорлиги амалиётида икки хил йўналишли тенденциялар мавжудлиги тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. Ушбу қонун лойиҳаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини тартибга солади, ногиронлиги бўлган шахслар учун жамият ҳаётининг барча жабҳасида ногиронлик асосида камситилмасдан, жамиятнинг бошқа аъзолари билан тенг равишда иштирок этиш учун тенг имкониятлар яратишни назарда тутади.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** аъзолари "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқди.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади — хотин-қизларни турмушда, иш жойларида, таълим муассасаларида ва бошқа жойларда тазйиқ ҳамда зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Унда тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар, уларга дуч келган шахсларни ҳимоя қилиш, шунингдек, бундай қилмишларни содир этганлик учун жавобгарлик ҳамда энг асосийси, бу иллатларнинг ҳар қандай кўринишига муросасиз муносабат муҳитини қарор топтиришга қаратилган нормалар белгиланмоқда.

Депутатларнинг қайд этишича, ушбу ҳужжатни қабул қилиш орқали хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш механизми қонунчилик даражасида мустаҳкамлаб қўйилади.

Сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида мазкур ҳужжат билан бир қаторда "Эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди.

Барча масала бўйича фракцияларнинг позицияси ишлаб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

**З. ИСМОИЛОВА.**

# ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

*Одамлар дардини эшитиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланган. Қувонарлиси, ушбу тамойил асосида кўплаб масалалар жойида ҳал этиляпти, қўшимча имкониятлар ишга солиняпти.*



Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

**Тадбир**

Кеча кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда фаолиятини янада ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида акциядорлик тижорат "Алоқабанк" бош офисида соҳа вакиллари билан ташкил этилган учрашув ҳам ана шу йўлдаги навбатдаги тадбирлардан бири бўлди.

Унда банк Бошқарув раиси, мутахассислар, молия муассасасининг Амалиёт бошқармаси ҳамда Миробод филиали мижозлари иштирок этди.

Тадбир аввалида банк фаолиятига оид тақдимот қилиниб, унда молия муассасасининг асосий кўрсаткичлари, банк тизимида тутган ўрни, корпоратив мижозларга кўрсатиладиган хизматлар, чет эл валютасидаги кредитлар, хорижий ташкилотларнинг кредит линиялари, чакана хизматлар, банк мобил иловаларининг қулайлиги тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Банк мижозлари билан учрашув шаффоф, очиқ ҳолда, қизғин савол-жавоб тарзида бўлиб ўтгани билан аҳамиятлидир. Жумладан, банк мижозлари бўлмиш — "Express Fresh Food" МЧЖ, "Attractive Stones" МЧЖ, "Perspektive Union" МЧЖ, "Os Minora" МЧЖ каби тадбиркорлик субъектлари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

— "Алоқабанк"дан бир неча бор хорижий валютада кредит олганмиз, — дейди "Med Torg Invest" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шуҳрат Шавкатов. — Шу билан бирга, айни пайтда фаолиятимизни ривожлантириш учун миллий валютада сармояга эҳтиёж туғилаётган эди. Учрашув давомида шу масалада мурожаат қилган эдик, банк томонидан қисқа муддат ичида 10 миллиард сўм маблағ ажратилишини маълум қилишди.

Тадбир давомида банк мижозлари дуч келаётган муаммолар муҳокама қилиниб, ижобий ҳал этилди, шунингдек, банк фаолиятини такомиллаштириш бўйича мижозлар томонидан таклифлар билдирилди.

Учрашув натижаларига кўра, банк томонидан кўрсатилаётган хизматларни янада такомиллаштириш ва мижозларнинг талабларини инобатга олган ҳолда, банк фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича амалга ошириладиган ишлар ҳақида келишиб олинди. Бундай учрашувлар келгусида ҳам йўлга қўйилиши таъкидлаб ўтилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

**Умумхалқ хайрия ҳашари**

# ОБОД ЖОЙДАН ФАЙЗУ БАРАКА АРИМАЙДИ

*Халқимизда турли байрамлар, тантаналар, тўй-ҳашамлар олдидан ён-атрофни, кўчаю хиёбонларни саранжом-саришта қилиш яхши анъанага айланган. Бунда кексаю ёш ўз хоҳиш-иродаси билан иштирок этиб, ободликка ҳисса қўшади. Ҳашарнинг тарбиявий аҳамияти ҳам катта. Яъни ёшлар бундай тадбирлар орқали қадриятларни ўрганади. Натижада анъаналар бардавомлиги таъминланади.*

Мустақиллигимизнинг 28 йиллиги олдидан яна бир шундай тадбир ўтказиш арафасида турибмиз. Гап шундаки, Вазирлар Маҳкамаси фармойиши билан жорий йилнинг 15 — 30 август кунлари мамлакатимизнинг барча ҳудудида ободонлаштириш ва тозалик ойлиги ҳамда 17-18 август кунлари умумхалқ хайрия ҳашари, деб эълон қилинди. Унга кўра, икки кун давомида юртдошларимиз томонидан маҳалла, корхона ва ташкилотлар ҳудудларини тозалаш, гузарлар, зиёратгоҳ ва қабристонларни тартибга келтириш, дарахтларга шакл бериш юмушлари бажарилади. Ўз навбатида, кўча ва йўллар, хиёбон ва майдонларни ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилади. Шунингдек, эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз қария, ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади, уй хўжалиги ишларига кўмаклашилади. Қолаверса, фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ саъй-ҳаракатларга ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Табиийки, кенг қамровли бу тадбирларни амалга ошириш осон иш эмас. Шу боис айни чоғда ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан кенг кўламли чоралар кўриляпти. Хусусан, "Маҳалла" хайрия жамоат фондида умумхалқ хайрия ҳашарини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, у барча тадбирларни мувофиқлаштириб боради.

— Халқимизнинг бунёдкорлик, яратувчанлик ва бошқаларга яхшилик қилиш билан боғлиқ эзгу анъаналари ҳашар кунлари кўзга яққол ташланади, — дейди Маҳалла" хайрия жамоат фонди бош мутахассиси Одил Самедов. — Шундан келиб чиқиб, фондимиз томонидан ҳам ҳашар кунлари қилинадиган ишлар режаси ишлаб чиқилди. Унга асосан, ён-атрофни ободонлаштириш, ариқ ва лотокларни тозалаш, кексалар, ногиронлиги бўлган ва кам таъминланган оилалар уй-жойини таъмирлашга кўмаклашиш ҳамда эҳтиёжманд кишиларга хайриялар улашиш кўзда тутилган.

Бу гал ҳам умумхалқ ҳашарида барча юртдошларимиз, шу жумладан, ёшларимизнинг фаоллик кўрсатишлари кутилмоқда.

Ҳашар кунлари бошланадиган бунёдкорлик, яратувчанлик ишлари ва бошқа эзгу амаллар Истиқлол байрами тантаналарига уланиб кетади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИМТИЁЗ БЕРИЛАДИ

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда молия бозорининг суғурта сегментини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, республикада соҳанинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган 30 та суғурта компанияси томонидан 2018 йил мобайнида тўланган суғурта тўловлари ҳажми 461,1 млрд. сўмни ташкил этган. Бу олдинги йилдагига нисбатан 71 фоиз кўп. Суғурта компанияларининг инвестициялари ҳажми эса 2 трлн. сўмга етиб, 35 фоиз ортган.*

**Сенатор минбари**

Лекин соҳа ривожига тўсқинлик қилаётган айрим муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, суғурта ташкилотлари томонидан суғурталанувчи ёки суғурта объектларига нисбатан ноқонуний талаблар қўйиб, суғурталаш ишларини амалга ошириш ҳолларига йўл қўйилаётгани шулардан биридир.

Баъзан эса суғурта компаниялари суғурталаш жараёнида суғурталанувчиларга уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ ва тўғри тушунтирмаётгани сабабли томонлар ўртасида келишмовчиликлар юзага чиқиб, ишлар судларга қадар етиб боряпти.

Ўз навбатида, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, тўловларни тўлиқ амалга оширмаслик ёки бу жараёндаги бюрократик тўсиқлар қайта суғурталаш имкониятларини йўққа чиқариб, фуқароларнинг суғурта бозорига бўлган ишончи пасайишига олиб келаётган эди.

Президентимизнинг жорий йил 2 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу муаммоларни ҳал қилиш, уларнинг келиб чиқишига сабаб бўлаётган омилларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Қарорга мувофиқ, суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди. Суғурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, бу йўналишдаги фаолиятни тартибга солиш тизимини институционал ривожлантириш, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг капиталлашув даражасини, тўлов қобилияти ва молиявий барқарорлигини ошириш кабилар шулар сирасидандир.

Эндиликда суғурталовчиларнинг устав капитали минимал миқдорлари 2020 — 2022 йилларда босқичма-босқич оширилади. Чунки компания ўз зиммасига олган мажбуриятлар бўйича айнан устав капитали миқдорида жавоб бера олади, яъни бу кўрсаткич унинг мажбуриятлари бажарилишига ўзига хос кафолат ролини ўйнайди. Шу боисдан қарордаги ушбу жиҳат жуда муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ҳужжатда даромадларнинг 20 фоизигача миқдордаги ажратмалар ҳисобига шакллантириладиган суғурта ташкилоти захира жамғармасининг чекланган миқдори суғурта ташкилоти устав фондининг 50 фоизигача оширилиши белгиланган. Бу эса, ўз навбатида, суғурта тузилмалари фаолияти барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қарор билан киритилаётган яна бир янгилик шундаки, эндиликда суғуртанинг айрим турлари бўйича электрон полисларни ("Е-полис") расмийлаштириш механизми жорий этилади. Яъни бу чора мамлакатимизда электрон суғурталашни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, аввало, мижозларни виждонсиз суғурта агентларининг товламачилик ҳаракатларидан ҳимоя қилиш, ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини тезлаштириш, суғурта компаниялари ортиқча харажатларини қисқартириш ҳамда бу маблағларни уларнинг фаолиятини яхшилашга йўналтириш имконини беради.

Суғурта бозори иштирокчилари фаолияти учун янада қулай шарт-шароитларни таъминлаш, шу жумладан, уларнинг солиқ юкини мақбуллаштириш — ҳужжатда кўзда тутилган яна бир аниқ мақсад. Қарорга асосан, 2020 йил 1 январдан юридик шахслар — суғурта брокерлари ва суғурта агентлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси комиссия мукофотининг 13 фоизи миқдорида белгиланади. Гап шундаки, суғурталашда бозор ва давлат бошқарув дастаклари ўртасидаги оралиқ ўринни нарх ёки суғурта мукофоти эгаллайди. Бу мезон тариф ставкаси билан белгиланади. Мажбурий суғурта турлари бўйича суғурта мукофоти қонун асосида, норматив равишда ўрнатилади. Ягона тўлов ставкасининг қарорда кўрсатилган миқдорда белгиланиши ҳам солиқ тушумларининг самараси, ҳам суғурта бозори иштирокчилари учун оғир бўлмаган даражани кафолатлайди.

Қарорда, шунингдек, суғурта соҳасини малакали кадрлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 2020/2021 ўқув йилидан суғурта бозорида фаолият олиб бораётган ходимлар учун олий таълим муассасаларининг "Суғурта иши" таълим йўналиши бўйича сиртқи ва кечки бўлимларга тест синовлари ўтказилмасдан, белгиланган қабул квоталаридан ташқари пулли-контракт асосида қабул қилиш тартиби жорий этилади. Бу эса соҳадаги малакали кадрлар етишмовчилигини яқин йилларда бартараф қилиш, демакки, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этган суғурта бозорини жадал ривожлантиришга хизмат қилади.

**Мухамет ЖУМАГАЛДИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар**
**масалалари қўмитаси раиси.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz

Тошкент Молия институти ректорати ва касаба уюшмаси институтнинг Режа-молия бўлими бошлиғи Акбар Норқуловга онаси

**Фазолат ЗОИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 50 703 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.40 Топширилди — 05.35 1 2 3 4 5 6